

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОЧИЛОВ ШОКИР БАХТИЁРОВИЧ

**ФИЗИКАНИ ФАНЛАРАРО ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИ ЭКОЛОГИК
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Очиллов Шокир Бахтиёрович

Физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини
ривожлантириш технологиялари 3

Очиллов Шокир Бахтиёрович

Технологии развития экологической компетенции учащегося при обучении
физике с межпредметной связью..... 23

Ochilov Shokir Bakhtiyorovich

Technologies for the development of a student's environmental competence in
teaching physics with inter subjective communication..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОЧИЛОВ ШОКИР БАХТИЁРОВИЧ

**ФИЗИКАНИ ФАНЛАРАРО ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИ ЭКОЛОГИК
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Ped426 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Турдикулов Эшбой Отақулович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Базарова Саодат Джамаловна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**


Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 09 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел: (0366) 239-12-29, факс:(0366) 239-13-87; e-mail: samdu_Ped_kengash@umail.uz).


Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (54 раками билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2021 йил «31» 08 кун тарқатилди.
(2021 йил «31» 08 даги 9 рақамли реестр баённомаси).




Х.И. Ибраимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор


Ш.Р. Ураков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD) пед. ф. б.


Н.Ш. Шодиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон таълим тизимини компетенциявий ёндашувга асосланган ҳолда модернизациялаш, ўқитишнинг методик асосларини замонавий ривожланиш тенденцияларига мувофиқ такомиллаштириш амалиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, физикани фанлараро ёндашув асосида ўқитиш орқали ўқувчиларда таянч экологик компетенцияларни таркиб топтиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш, STEAM таълим асосида ўқувчиларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг индивидуаллаштирилган ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, табиий фанлар бўйича ўқувчиларнинг саводхонлигини ривожлантириш физик-экологик масала ва топшириқларни ишлаб чиқишнинг мақбул усулларини аниқлаштиришни тақозо этади.

Дунёда компетенциявий ёндашувга асосланган физика таълимида фанлараро алоқадорликни таъминлашнинг интегратив механизмларини такомиллаштиришнинг методик тизимини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, табиий фанларни ўқитиш, виртуал экскурсиялар ва лабораторияларни тизимли қўллаш асосида ўқувчиларнинг экологик саводхонлигини ошириш жамият ва табиат коэволюциясига устуворлик бериш асосида дахлдорлик туйғусини тарбиялашнинг илмий асосларини тадқиқ этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий, шахсий ва касбий фаолият билан уйғунлигини таъминлаш, кундалик фаолиятда экологик билимларни амалиётга самарали қўллаш олиш лаёқатини таркиб топтириш, ноосфера соҳасини такомиллаштириш орқали умумтаълим фанларини атроф-муҳитда содир бўлаётган экологик муаммолар ечимини ҳал этиш билан интеграциялаб ўқитишни илмий асослаш заруриятини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда фан-техника ва ишлаб чиқаришнинг янгича талабларига мос равишда, физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи замонавий билимларни эгаллаши билан бирга экологик компетенциясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3052-сонли Фармонида «...физика фанларини ўқитишнинг интегратив принципларини жорий этиш, янги ва таълим бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш»¹ каби вазифалар белгиланган. Шу жиҳатдан қараганда, физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш, физик жараён ва ҳодисаларни таҳлил қилиш орқали ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришнинг методик тизимини такомиллаштириш жараёнларининг илмий-амалий жиҳатларини тадқиқи этиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги «Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3052-сонли Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 07/21/5032/0226-сон, 19.03.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқувчи экологик маданиятини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда қатор илмий изланишлар олиб борилган, жумладан экологиянинг ҳуқуқий асослари (Ж.Холмуминов, Д.У.Арипов, Ш.Х.Файзиев, Ж.И.Сафаров), мактабгача таълим жараёнида экологик тарбиялаш масалалари (П.А.Юсупова, Г.Комилова), бошланғич таълимда экологик тарбия (Н.Ашурова, М.А.Юлдашев, Г.А.Султанов, М.Б.Раҳимқулова, Ш.М.Мирзааҳмедова), умумтаълим мактабларида ўқувчи экологик маданиятини шакллантириш (Ш.Авезов, Н.Ш.Бозорова, Э.О.Турдиқулов, М.К.Ҳошимова, В.Н.Сатторов, М.У.Нишонбоева, Х.Б.Норбутаев, Н.У.Нишанова, Н.Ж.Исақулова, М.Қ.Мухлибоев, И.Ш.Исматов, Д.В.Доржова), олий ўқув юрти талабаларида экологик маданиятни шакллантириш масалалари бўйича тадқиқот ишлари (Н. Шодиев, А.Р. Маликова) амалга оширилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида экологик таълимнинг педагогик асослари (И.Д.Зверов, А.Н.Захлебний, А.В.Хуторский), умумтаълим мактабларида табиий фанларни ўқитишда экологик таълимнинг айрим жиҳатлари (А.Б.Рубин, И.Г.Шматько), экологик таълимнинг мақсад ва вазифалари, принциплари, мазмуни, шунингдек, ўқувчиларда назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш каби педагогик муаммолар (И.Д.Зверев, В.Н.Максимова) тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан таълимга компетенциявий ёндашув, компетентлик бўйича (Ж.Равен, В.Хутмакер, С.Е.Шишов), экологик компетенцияларни ривожлантиришнинг эмпирик методологиясини шакллантириш ҳамда уларни баҳолаш методлари (Г.Четхам, М.Даниэлс) ёритиб берилган.

Бироқ физикани фанлараро ёндашув асосида ўқитиш жараёнида ўқувчиларда экологик компетенцияни ривожлантиришнинг интегратив

мазмунни, модели ва методик шарт-шароитларининг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А7-ХТ-1-29687 рақамли “Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган глобал экологик муаммоларни таълим воситасида ҳал этишга стратегик ёндашувлар” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришнинг методик шартларини аниқлаш;

физик жараён ва ҳодисаларни фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

экопедагогик технологиялар асосида физикани фанлараро ўқитишда ўқувчиларда экологик компетенцияни ривожлантириш йўллариини такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида физикани фанлараро ўқитиш орқали ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номли ихтисослаштирилган, 11-сон ихтисослаштирилган, 2-сон, Бухоро вилоятидаги 18-, 20-, 32-сон, Самарқанд вилоятидаги 16-, 31-, 51-сон умумтаълим мактабларидан 620 нафар респондент-ўқувчи жалб қилинган.

Тадқиқот предмети физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш мазмуни, модели ва технологияларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусига доир психологик, педагогик, фалсафий, тарихий адабиётлар, дастурлар, ўқув-методик қўлланмаларни таҳлил этиш; педагогик кузатув; педагогик тажриба-синов, анкета-суровномалари, савол-жавоб, тест синовлари, натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш тузилмаси экологик онгнинг иродавий таркибий асосини экологик фаоллик ва дунёқараш билан ички интеграллашувини белгилаш, инвариант ва вариатив таълим мазмунининг витаген таълим билан ўзаро мувофиқлик даражасини кенгайтириш орқали такомиллаштирилган;

физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришнинг методик шартлари физик-экологик таълим мазмунини горизонтал ва вертикал структуралаш бўйича ўқув материалларини танлаш, тизимлаштириш, интегративликни таъминлашга доир алгоритмик

босқичларининг кооперативлик даражасини бевосита ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

физик жараён ва ҳодисаларни фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш модели аутентик материалларни илмий билимлар билан мантиқий ва изчил алоқадорлигининг муаммоли таълим усуллари билан адаптивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

физикани фанлараро ўқитиш жараёнида ўқувчиларда экологик компетенцияни ривожлантиришнинг муаммоли, ўйинли, ижодий, виртуал экопедагогик технологиялари ўқувчиларнинг конвергент ва дивергент фикрлашини уйғун таркиб топтиришга йўналтирилган интерфаол тавсифдаги физик-экологик масала ва топшириқлар мажмуини дарс ва дарсдан ташқари машғулотлардаги интегративлик мезонлари орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясининг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонлари ва ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқланган;

физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришнинг уч босқичли (дастлабки излаш, баҳоловчи-коррекцион, якуний танлов) алгоритми ишлаб чиқилган;

физик жараён ва ҳодисаларни интегратив ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришнинг экопедагогик модели ишлаб чиқилган;

“Ўқувчиларга ижтимоий экологиядан таълим бериш технологияси” номли методик қўлланма ишлаб чиқилган ва таълим амалиётига жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсидаги илмий-назарий ва амалий конференциялар материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларида чоп этилган мақолалар ҳамда расмий манбалардан олинган, нашр этилган методик қўлланма, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, келтирилган таҳлил ва тажриба-синов ишлари натижаларнинг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш самарадорлигини таъминловчи омилларнинг илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинганлиги, ўқувчиларда экологик компетенциясини ривожлантириш тузилмаси ва компонентлари (мотивацион, гностик, акмеологик)нинг аниқлаштирилганлиги, ўқувчиларда экологик компетенцияни ривожлантириш даражаларининг лойиҳалаштирилганлиги, физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясининг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонлари ва ўзлаштириш кўрсаткичларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти физикани фанлараро ўқитишга доир таълим мазмунининг структуралаштирилганлиги, ўқувчи экологик

компетенциясини ривожлантиришга доир ўқитиш технологияларининг такомиллаштирилганлиги, муаммо ечими бўйича метод ва воситалардан самарали фойдаланилганлиги, ўқув қўлланма ва методик кўрсатмаларнинг яратилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган илмий-методик таклиф ва тавсиялардан табиий фанлар бўйича интегратив ўқув материалларини ишлаб чиқиш, дарслик ва ўқитувчи китоби қўлланмаларини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш технологиялари бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш тузилмасини экологик онгнинг иродавий таркибий асосини экологик фаоллик ва дунёқараш билан ички интеграллашуви, физикавий қонунларни ҳисобга олиш орқали инвариант ва вариатив таълим мазмунининг витаген таълим билан ўзаро мувофиқлик даражасини кенгайтириш орқали аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан 5110200 – Физика ва астрономия бакалаврият таълим йўналиши Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 89-03-722-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак физика ва астрономия ўқитувчиларини фанлараро ёндашув асосида ўқувчиларда экологик компетенцияни ривожлантиришга тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришнинг методик шартларини физик-экологик таълим мазмунини горизонтал ва вертикал структуралаш бўйича ўқув материалларини танлаш, тизимлаштириш, интегративликни таъминлашга доир алгоритмик босқичларини аниқлаштириш, физик жараён ва ҳодисаларни фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш модели инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5110200 – Физика ва астрономия бакалаврият таълим йўналиши учун “Физика таълимида экологик компетенцияни такомиллаштириш” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон буйруғи, 110-137 рақамли гувоҳнома). Натижада, физик-экологик таълим узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга эришилган;

физикани фанлараро ўқитиш жараёнида ўқувчиларда экологик компетенцияни ривожлантиришнинг муаммоли, ўйинли, ижодий, виртуал экопедагогик технологиялари ўқувчиларнинг конвергент ва дивергент фикрлашини уйғун таркиб топтиришга йўналтирилган интерфаол тавсифдаги физик-экологик масала ва топшириқлар мажмуини дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда интегративлик мезонлари орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан А7-ХТ-1-29687 рақамли “Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган глобал экологик муаммоларни таълим воситасида ҳал этишга стратегик ёндашувлар” (2013-2015 йй.) амалий

лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 89-03-722-сон маълумотномаси). Натижада, физика таълими орқали ўқувчиларда экологик компетенцияни ривожлантириш технологияларини татбиқ этиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 16 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, 1 та ўқув қўлланма, 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда жами 5 та мақола, шундан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида муаммонинг долзарблиги ва зурурияти асосланган, тадқиқот ишининг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг баёни ва уни амалиётга жорий қилиш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни шакллантириш бўйича жаҳонда ва республикамизда олиб борилаётган ишлар таҳлили келтирилган. Компетенция атамасини илк бор Америка Қушма Штатлари тилшуноси Н.Хомский томонидан 1965 йил Массачусетс технология институтида шаклланди. 1996 йилда Берн шаҳрида Европа Кенгаши дастури бўйича бўлиб ўтган симпозиумда “компетенция” тушунчаси “уқув”, “компетентлик” тушунчаси “қобилият”, “маҳорат” сингари тушунчалар қаторига киритилгани таъкидланди. Хорижий мамлакатларда компетенциявий таълим тизими бўйича Буёк Британияда шахсни ривожлантиришга йўналтирилган компетенция, ижтимоий ва маълум бир соҳадаги фаолиятга доир компетенциялар шакллантирилган. Австрияда шахсни ривожлантиришга йўналтирилган компетенциялар шакллантирилган.

Нидерландияда келажакка интилиш кўникмаларни ривожлантиришни мўлжал қиладиган стратегик компетенциялари шаклланганлиги ўрганиб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Хорижлик олимлардан А.Белкин ва В.Нестеровлар компетенцияни таълим жараёнида самарали фаолият учун зурурий шарт-шароит яратувчи касбий ваколат, функциялари, компетентликни, компетенцияни самарали амалга оширишни таъминловчи касбий ва шахсий сифатлар мажмуаси сифатида таърифлаган. В.Введенский томонидан компетентлик – бу қандайдир шахсий тавсиф, компетенция аниқ касбий ёки функционал тавсифлар мажмуаси, деб таърифланган. А.Хуторский фанга оид компетенцияларда “конкрет тарифга ва конкрет ўқув предмети доирасида шаклантириш имконияти ва олтига таянч компетенциялари таҳлил қилинган.

XXI аср учун таълим бўйича халқаро комиссияда Жак Делор “Таълим: яширин хазина” номли маърузасида “таълим таянадиган тўртта устунга таъриф беради: бу билишни ўрганиш, қилишни ўрганиш, биргаликда яшашни ўрганиш, яшашни ўрганиш” Бу билан глобал компетентликнинг асосий мазмунини очиб беради.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида, хусусан Россия федерациясида компетенциявий таълим ўқувчиларда компетенцияларни шаклантиришда метафан компетенциялар, фанлараро компетенциялар, фанга оид компетенцияларга бўлинади: Қозоғистон Республикасида шахсий натижалар, тизимли–фаолиятига кўра натижалар ва ўқув фанлари бўйича натижалар компетенциялари ўрганиб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган илмий педагогик тадқиқотлар таълимга компетенциявий ёндашув асосида ўқитишнинг афзаллиги, ўқувчиларда ҳосил бўладиган шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётда учрайдиган турли вазиятларда фойдаланишни ўргатишнинг самарадорлиги аниқланган. Н.Турдиев, Ю.Асадов, С.Акбароваларнинг “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларда компетенцияларни шаклантиришга йўналтирилган таълим технологиялари” номли ўқув-услубий кўлланмасида фанга оид ва таянч компетенцияларни шаклантиришда дарсларга қўйиладиган талаблар, усул, метод ҳамда педагогик технологиялардан намуналар келтирилган. С.Темуровнинг “Бўлажак математика ўқитувчиларида касбий компетентликни шаклантиришнинг назарий асослари” монографиясида педагогик фаолият нуқтаи назаридан компетенциянинг билим ва вазият орасидаги алоқани ўрнатиш имкониятига кўпроқ эътибор қаратилган.

Давлат таълим стандартларининг лойиҳасида ўқувчиларда таянч ва предметга оид умумий компетенцияларни шаклантириш кўзда тутилган. Таянч компетенциялар -инсон қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар, жамиятда муваффақиятли яшаши учун эга бўлиши керак бўлган лаёқатлар, қобилиятлар ва фаолият турларини ўз ичига олади. Таянч компетенциялар

ичидан “Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият компетенция”си қуйидаги тартибий қисмлардан иборат:

- жонли ва жонсиз табиатда содир бўладиган экологик жараёнларни физикавий қонунлар орқали тушунтириш;
- теварак-атрофдаги табиий муҳитни (сув, ҳаво, тупроқни) асраб, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш;
- физикавий таъсир майдонлари (шовқин, электромагнит, радиация) ва улардан ҳимояланиш усул ва воситаларини такомиллаштириш;
- табиий захираларидан оқилона фойдаланиш, инсоннинг табиатга таъсири, глобал ва минтақавий экологик муаммоларни ўрганиш;
- анъанавий усулларда олинаётган электр энергиясини, табиий захиралардан фойдаланилаётганлигини тушунтириш, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда муқобил энергия олиш усулларини ўрганиш;
- атроф-муҳит экологик мониторингини ишлаб чиқишда физикавий метод ва воситалардан ҳамда ҳаётини мисоллар орқали таҳлил қилиш.

Юқоридаги муаммоларнинг самарали ечимига эришиш учун физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришнинг ягона методик тизими ишлаб чиқилган. Ушбу методик тизимда физик-экологик масала ва топшириқлар мажмуини дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда тизимли ёндашишни қўллаш зарурлиги кўрсатилган.

Хорижий мамлакатларда экологик таълим тизимига Германияда ёш авлодда экологик масъулиятли хулқ-атворини шакллантириш кузда тутилганлиги, Австрияда экологик таълим дастури мактаб фан дастурига киритилганлиги, Америка Қўшма Штатларида умумтаълим мактабларида таълим фанларини мазмуни экологик таълим мазмунига чуқур сингдирилганлиги, Хитой Халқ Республикасида экологик таълим тарихи 40 йилдан ортиқроқ даврни ўз ичига олиши ва унда экология курси барча таълим муассасаларига киритилганлиги маълум бўлди.

Мамлакатимизда экологик таълим тизимида табиатни ҳимоя қилиш масаласига бағишланган қатор қонунлар, низомлар, буйруқлар асосида амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда экологик партия ташкил этилди, жамоатчилик асосида «Экосан» ҳаракати ташкил топди. У нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиё минтақасида табиатни муҳофаза қилиш, аҳоли яшаш муҳитини соғломлаштириш йўлида фаол ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишнинг миллий ҳаракатлар режаси тузиб олинди. Унда республика ҳудудларидаги экологик вазиятни яхшилаш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва уни яхшилаш; келгуси авлодларга сақлаб қолиш мақсадида Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш; ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ўзлаштириши эътиборга олинган.

Ўқувчиларда экологик компетентлиликни ривожлантириш бўйича экологик компетенциялар “дарахти” қуйидаги кўринишга эга бўлди (1-расмга қаранг).



1-расм. Ўқувчиларда экологик компетенцияни ривожлантириш тузилмаси

Ўқувчи экологик маданиятини шакллантириш бўйича И.Д.Зверев, Э.О.Турдикулов, Ю.Ғ.Маҳмудов, Н.Ж.Исокулова, Х.Б.Норбўтаев, Н.Ш.Бозорова ва Н.У.Нишонова илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Юқоридаги олимларнинг тадқиқот ишлари ҳамда рисоаларини таҳлил қилган ҳолда тадқиқот ишимизда кундалик ҳаётимизда учраётган таниш ва нотаниш вазиятлардаги экологик муаммоларни физикани фанлараро ўқитишда таълим жараёнида олган билимлари асосида мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантириш орқали биожамият, экотизим, ноосфера ва экасайёҳлик мотивацияларини ҳосил қилиш, физикавий майдонларнинг атроф-муҳитга таъсир доираси, механизмлари, даражаси ҳамда улардан ҳимояланиш усул ва воситаларини ўрганиш, узлуксиз таълим тизимида умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлар орасидаги боғланишнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш, шунингдек, касбий фаолиятида мавжуд бўладиган экологик муаммоларни бартараф этиш, уларни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳақида илмий дунёқарашини такомиллаштириш билан ажралиб туради.

Тадқиқот давомида олинган натижалар шуни кўрсатадики, табиатда биосфера, экотизим, популяция ва инсон формуласи мужассам. Шунинг учун физикани фанлараро ўқитишдан асосий мақсад ўқувчи онгида замонавий дунёнинг илмий манзарасини ҳосил қилишдир. Айнан дунёнинг илмий манзараси ичида инсон ва бошқа тирик организмлар яшашига эътибор қаралади. Тадқиқот ишимизда экология тушунчасини ривожлантиришда бошқа фанларнинг ўрни физика нуқтаи назардан қаралади. Бу эса ўқувчиларнинг олдида бизни ўраб турган макродунёни очиб беради. Бошқача айтганда, илмий дунёқарашини шакллантириш ва улардаги шахсий сифатларни ривожлантиришда энг асосий восита ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Физикани фанлараро ўқитишда ўқувчиларнинг экологик компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида тезкор ва шиддат билан ривожланиб бораётган жамият, фан-техника, ишлаб чиқаришнинг янгича талабларига мос равишда, узоқни кўзлаган ҳолда, ўқувчиларга, нафақат, билим, кўникма ва малакаларни назарий асосда етказиш, балки олган назарий билимлари асосида унинг шахсини ривожлантириш, индивидуал

сифатларини мақсадга йўналтириш, унда келажакда шахсий, касбий ва ижтимоий фаолияти вужудга келадиган экологик муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш чора тадбирларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган экологик компетенцияларни ривожлантириш энг муҳим вазафалардан бири бўлиб бормоқда. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришнинг экопедагогик моделини қуйидаги тартибда тузиб олинди (2-расмга қаранг).



2-расм. Физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш экопедагогик модели

1. Ўқувчи экологик дунёқарашини ривожлантиришнинг биринчи босқичи -бу дарс. Физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришга оид билимларни қуйидаги фанлар орқали шакллантириш мумкин: кимё, биология, география фанларини ўқитишда табиатни муҳофаза қилишга оид олган билимларига таянган ҳолда иш кўрилган.

VIII-IX синф ўқувчиларда математика, физикадан, билимлар тизими анча чуқурлашган бўлади. Айниқса, X-XI синф ўқувчилари атроф-муҳит ва жамоат билан бир мунча фаол муносабатда бўладилар. Ўқувчилардаги шу имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, уларда экологик компетенцияга оид билимлар тизимли ташкил этилган.

2. Кузатиш ва экспериментал таҳлилда ўқувчи қуйидаги манбалардан: радио, телевидение, интернет сайтларидан, газета ва журналдан юз бераётган халқаро, мамлакат ва маҳаллий миқёсидаги воқеа ва хабарларни мунтазам кузатиб баҳолаб борилган; экосайёҳ соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг мантиқий тузилмаси ишлаб чиқилган.

3. Педагогик технологиялар –XVII асрда Я.А. Коменскийнинг дидактик тамойиллари асосида шаклланиб, ҳозирда дунёдаги мамлакатларда энг кўп қўлланилаётган синф-дарс тизими йўналишларда ривожланмоқда. Физикани фанлараро ўқитишда “Ривожлантирувчи таълим технология”лари ва усулларидан фойдаланилган.


Физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришда физикавий майдонларнинг атроф-муҳитга таъсир доираси, механизмлари, даражаси ҳамда улардан ҳимояланиш усул ва воситаларни комплекс боғлаб ўқитишга талаб кучаймоқда. Физикавий майдонларга қуйидагиларни киритиш мумкин: техника тараққиётининг ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келаётган товуш тўлқинлари, шовқинлар; электромагнит майдон; рентген нурланиши; радиоактив нурланиш, зарядли зарралар оқимини мисол қилиб олишимиз мумкин.

Ўқувчиларда экологик компетенциясини интегративлик асосида ривожлантиришда физика дастуридаги мавзулардан мисоллар келтирилган.

VI синф физика дарслигини VII боб “Товуш ҳодисалари” бўлимидаги 61, 62, 63, 64, 65 мавзулар тўлиқ тушунтирилгандан сўнг, ўқувчиларга товуш жонли организмларга салбий таъсир кўрсатиши, инсоннинг асаб, юрак-қон тизими, ошқозон-ичак, гипертония касалликларининг кескин кўпайишини айнан шовқин билан боғлиқлиги, очик ҳавода товушнинг 154 дБ ли шовқинга инсон умуман дош бера олмаслиги, бунда кучли бош оғриғи, кўриш органларининг ишдан чиқиши, кўнгил айнаши ва буғилиш ҳолатлари ҳақида тушунчалар биологияда олган билимлари асосида тушунтирилган.

IX синфда “Буғланиш ва конденсация” мавзусини ўқитишда ўқувчиларга қуйидаги тартибда тушунтирилган. 1. Шўр сувни чучук сувга айлантирадиган “Қуёш сув чучуткичи” қурилмаларининг тузилиши, қўлланилиши ва ишлаш принципи батафсил баён этилган. 2. Ўсимликларда буғланишнинг содир бўлиши, сабзаёт маҳсулотлари сабзи, картошка ва бошқалар таркибидаги нам буғланиб кетиши туфайли уларнинг истеъмол сифати бузилиши, шунинг учун ҳар доим уларни нормал температурада сақлаш зарурлиги тушунтирилган. 3. Кимёвий қаттиқ ва суюқ моддалар буғланганда, диффузия туфайли атроф-муҳитга тарқалиб ҳавони ифлослайди. Ифлосланган ҳаводан нафас олган киши заҳарланиши ва улардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозимлиги тушунтирилган.

VIII синф физика фани дастуридаги “Электростанциялар ва уларнинг турлари”. “Энергетика тармоқларидаги авариялар” мавзусини ўқитишда ўқувчиларга электр энергиясини олишнинг анъанавий, ноанъанавий ва келажакдаги янги энергия турлари тушунтириш муҳим аҳамият касб этади.



3-расм. Энергия олишнинг анъанавий, ноанъанавий ва келажакдаги янги энергия турлари

Бугунги кунда мамлакатимизда атом электр станцияси қурилмоқда. Унинг умумий энергобаланси $2,4 \text{ Гвт}$ электр энергия ишлаб чиқаради. Бу йилига $3 \cdot 10^9 \text{ м}^3$ дан ортиқ кўп табиий газни тежайди. Зарарли газларнинг атроф-муҳитни ифлослантириш даражасининг йиллик камайиши яъни карбонат ангидрид (CO_2) гази $14 \cdot 10^6$ тоннагача, диоксид азоти (NO_2) $36 \cdot 10^3$ тоннага камайиши ўқувчиларга тушунтирилган.

Электр энергияси олишнинг ноанъанавий усуллари ўқувчиларга тушунтирилганда энергия захиралари учун хом ашёнинг чегараланмаганлиги, экологик тозаллиги ва қайта тикланиши билан анъанавий усуллардан фарқ қилади. Бу усуллар ичида охириги йилларда яхши ўрганилганлиги ва кенг қўлланилаётгани Қуёш панеллари ва шамол генераторлари ёрдамида электр энергияларини олиш йўлга қўйилганлиги тушунтирилган.

Мамлакатимиз учун истиқболли ноанъанавий усуллардан бири биоэнергетика ҳисобланади. Ҳозирги кунда биогаз олиш учун мўлжалланган қурилмаларнинг кўп лойиҳалари ишлаб чиқилган. Бу қурилма уч вазифани бажара олади. 1. Табиий чиқиндилардан биогаз олиш. 2. Сифатли органик ўғит тайёрлаш. Бундай ўғитларнинг қўлланилиши қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини $15 \div 20\%$ оширади ҳамда экологик тоза. 3. Атмосферага кўтарилаётган карбонат ангидрид, метан, олтингугурт оксиди, аммиак азот оксиди газларини атмосферага кўтарилади. Бу мавзуларни ўқитишда кўрсатилган экологик жиҳатлари батафсил тушунтирилган.

Ўқувчиларда энергия олишнинг анъанавий усулларида ишлатиладиган ёқилғи захираларини тежаб ишлатиш; энергия олиш билан боғлиқ экологик ва хавфсизлик муаммоларини ҳал этиш; энергия олишнинг ноанъанавий усуллари ривожлантириш бўйича тушунчалар таҳлил қилинган ва такомиллаштирилган.

XI синф IV боб. “Электромагнит тўлқинлар ва тўлқин оптикиси” бўлимида 33, 34, 35, 36 мавзулар тўлиқ тушантирилгандан сунг, ўқувчиларга кундалик фаолиятимизда доимий фойдаланиб келаётган кул телефонида чиқаётган тўлқинлар ҳаёт учун хавфли эканлиги, унинг биологик-гигиеник таъсири ҳақидаги тушунчалар биология фанидан олган билимлари билан боғлиқликда тушунтирилган. Рангли телевизорлар яқинида узоқ ўтириш, қўл телефонларидан узоқ гаплашиш, ахборот каммуникацион технологиялар (компьютер, планшет)лардан узоқ вақт фойдаланиш эслаш қобилияти ва фикрлашни ёмонлаштириб, турли хил касалликларни келтириб чиқариши таҳлил қилинган ва такомиллаштирилган.

Физикани фанлараро ўқитишда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантиришда физикавий майдонлардан бири бу радиоактив нурланишлардир. “Радиоактив нурланишни ва зарраларни қайд қилиш усуллари”, “Ядро энергиясидан фойдаланишда хавфсизлик чоралари” мавзулари тўлиқ тушунтирилгандан сунг, ўқувчиларга радиоактив нурланишларнинг атроф-муҳитга таъсир доираси, механизмлари, даражаси ҳамда улардан ҳимояланиш усул ва воситалари, радиоактив моддаларнинг

жонли организмларга салбий таъсири, чегаравий нурланиш дозаларининг меъёрлари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Умумий ўрта таълим мактабларида физика курсининг синфдан ташқари машғулотларда узвийлик ва изчилликни таъминлашда синфдан ташқари машғулотларда физикани фанлараро ўқитишдаги ўрни, физикадан тўғарак ва қизиқарли физика кечаларининг таълим тизимидаги аҳамияти, синфдан ташқари машғулотларни ўтказишда замонавий педагогик технологияларни қўллашга доир маълумотларни ёритишга эътибор берилиши лозим.

Юқорида келтирилган муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ҳар томонлама асосланган ечимга келиш мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда тўғри ёндашувни танлаш модели (4-расмга қаранг) тузиб олинди.



4-расм. Синфдан ташқари машғулотларда ўқувчи экологик компетенциясини ривожлантириш модели

Синфдан ташқари машғулотларда ташкил этиладиган тўғараклар, физик кечалар, мутахассис олимлар, депутатлар, табиатни маҳофаза қилиш кўмитаси аъзолари билан ўтказиладиган тадбирлар ва экосаёҳатни ташкил

қилиш ва ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бунда ўқувчиларнинг дарсда олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, мустақил ишлаш, ижодий тафаккур қилиш қобилиятларини ҳамда амалий кўникма ва малака (компетенция)ларини ривожлантириш билан бирга табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, кўпайтириш табиатга нисбатан масъуллик ҳиссини оширишга имкон беради.

Педагогик тажриба синов ташкил этиш ва ўтказиш бўйича учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда тажриба-синов ишларининг натижалари ва таҳлили берилган.

Биринчи (таъкидловчи) босқичдаги тажрибада қуйидагилар илмий-амалий жиҳатидан танланган.

а) Педагогик тажриба-синовларни таҳлил этиш механизмларининг самарадорлигини аниқлаш учун тажриба гуруҳига 309 нафар, назорат гуруҳига 311 нафар ўқувчи танлаб олинган.

б) Муаммо ҳолатининг назарий таҳлили ва ўрганувчи тажриба натижалари асосида тадқиқот концепцияси ишлаб чиқилган, мақсади, вазифаси ва методлари белгиланган.

Иккинчи (шакллантирувчи) босқичда ўрганилаётган экофизикавий материаллар мазмуни билан алоқадор бўлган мавзулар бўйича компетенциявий ёндашувга асосланган методик тизимнинг режаси тузиб олинган. Бу тизимда оддийликдан мураккаблик тамон ривожланиш тенденцияси ишлаб чиқилган.

1-дарс тури: физикадан ўқув материаллари мазмунига экологик йўналишдаги элементар тушунчалар, терминлар ва қонунлардан фойдаланилган: «Куч моменти, динамик мувозанат, парник эффекти»,.

